

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-51409-4.02

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**ИҚТИСОДИЙ ПЕДАГОГИКА
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Примов М.,
к.ўқ. Авалова Г.

Такризчилар: проф. Мирокилов Т.,
проф. Куронов М.

Дастурда асосий эътибор "Иқтисодий педагогика" курсидаги мақсад ва вазифалар, Ислам Каримов асарларида иқтисодий таълим-тарбия, иқтисодий таълим-тарбиянинг ривожланиш тарихи, иқтисодий хулқ-атвор, иқтисодий хулқ-атворнинг психологик жиҳатлари, иқтисодчи педагогларнинг касбий-ахлоқий сифатлари, иқтисодий таълим-тарбияда этнопедагогик омиллар масалаларига қаратилган.

В программе основное внимание уделено проблемам цели и задачи курса "Экономическая педагогика", освещению вопросов экономического образования и воспитания в произведениях Ислама Каримова, истории развития экономического образования и воспитания, экономического поведения, профессионально-нравственного качества экономистов-педагогов, этнопедагогических факторов экономического образования и воспитания.

In programme the main attention is given to problems of purpose and tasks of the course "The economic education", to elucidation of matters economic education and upbringing in the works of Islam Karimov, histories of developing economics education and upbringing, to the economical behaviour, professional-moral quality of the economist-educational specialist, ethnopedagogical factors in economical education and upbringing.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

"Иқтисодий педагогика" курси янги типдаги мутахассисларни тайёрлашга қаратилган бўлиб, бакалаврлар иқтисодиёт педагогика, психология соҳаларидаги билим, кўникма ва малакаларни чуқур эгаллаган бўлиши талаб этилади.

"Иқтисодий педагогика" курсининг мақсади бакалаврларга иқтисодиёт соҳасидаги таянч тушунчаларнинг педагогик жараён билан боғланиши, иқтисодий таълим-тарбия тарихи, мазмуни, тамойиллари, иқтисодий хулқ-атвор, унинг шакллари, иқтисодий таълим-тарбияда этнопедагогик омиллар, таълим муассасасини бошқариш жиҳатлари тўғрисида ҳар томонлама билим ва кўникмалар беришдан иборатдир.

"Иқтисодий педагогика" курсини ўрганиш иқтисодиёт соҳасида муайян мутахассислик йўналишидаги фанларни, педагогика, психология ва гуманитар-ижтимоий соҳадаги фанларни чуқур билишни тақозо қилади.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар

"Иқтисодий педагогика" курсини ўрганувчилар танлаган мутахассислик йўналишидаги фанлар, педагогика ва психология соҳасидаги фанлар бўйича чуқур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши талаб этилади.

Қуйидаги тажрибага эга бўлиши керак:

- машғулотларда ўқув материалларини ўзлаштириш режаси ва машғулотнинг режа конспектларини турли-хил шаклларда тузиш;
- замонавий педагогик тамойиллар асосида таълимни, билим олишни ташкил қилиш ва қўллаш;
- талабалар мустақил ишлаш ва мустақил таълимни илмий-услубий ташкил қила олиш.

Семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Иқтисодчи-бакалаврлар "Иқтисодий педагогика" фанини ўзлаштириш жараёнидаги семинар машғулотларни баҳс мунозара шаклида олиб бориш, мавзулар бўйича тест вариантларини тузиш, берилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулот саволларига жавоб бериш, рефератлар ёзиш кўзда тутилади.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Намунавий ўқув режасида мазкур курсга 114 соат ажратилган бўлиб, уларнинг 38 соати маъруза, 38 соати семинар машғулотларидан, 38 соати мустақил таълимдан иборат. Мазкур курсни ўзлаштириш натижасида бакалаврлар "Иқтисодий педагогика" соҳасида билим ва кўникмаларига эга бўладилар.

Бакалаврлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Иқтисодий педагогика" фанидан бакалаврлар билимини назорат қилиш икки марта ЖБ, икки марта ОБ, бир марта ЯБ ўтказилади. Якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларни қўллаш

Дарсларда "Иқтисодий педагогика" фани бўйича альбомлар, компьютер, проектор ва слайд намуналаридан фойдаланилади.

Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

"Касб таълими" йўналишида "Иқтисодий педагогика" фани намунавий ўқув режаси бўйича 4-семестрда ўқитилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Иқтисодий педагогика" курсининг мақсади ва вазифалари

Иқтисодчи-педагоглар психология, педагогика ва иқтисодиёт фанларидан чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган янги типдаги икки ёқлама мутахассислар сифатида.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида миллий таълим-тарбия тизими ва ривожланган мамлакатлар таълим тизимларидаги ижобий ютуқларга асосланиш.

Ўзбекистон узлуксиз таълим-тарбия тизимининг таркибий тузилиши ва ислоҳот йўналишлари.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида иқтисодий таълим тарбиянинг ўрни ва мақсадлари.

Иқтисодий хулқ-атворни шакллантириш вазифалари.

Иқтисодий педагогика курсининг предмети ва уни ўрганиш усуллари

"Иқтисодий педагогика" фани иқтисодиёт ва педагогика фанлари соҳаларининг туташув нуқтасида вужудга келган фан сифатида.

"Иқтисодий педагогика" нинг асосий тушунчалари. Иқтисодий ҳис-туйғулар. Онг реакциялари. Иқтисодий хулқ-атвор.

Иқтисодий хулқ-атвори шакллантириш "Иқтисодий педагогика" фанининг предмети сифатида.

Иқтисодиёт ва педагогиканинг туташган соҳасидаги асосий тушунчалар.

Чекланган ресурслар шароитида тежамкорлик хислатларини шакллантириш.

Иқтисодий воқеалар, иқтисодий ҳодисалар, иқтисодий жараёнлар, иқтисодий қонунлар, иқтисодий муносабатлар ва таълим-тарбия жараёнлари.

Мулкка муносабат, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол муносабатлари ва кишилар хулқ-атвори.

"Иқтисодий педагогика" фанини ўрганиш усуллари.

"Иқтисодий педагогика" фанидаги таянч атамалар ва уларнинг иқтисодий хулқ-атворнинг шаклланишидаги ўрни

Иқтисодий хулқ-атворнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.

Мулкка муносабат, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол муносабатлари ва кишилар хулқ-атвори.

Истеъмолчи танлашига таъсир этувчи омиллар. Ишлаб чиқариш ва ҳаражат, рақобатчилик ва иқтисодий хулқ-атвор.

Давлат ва бозор. Бозор ва индивид. Иш кучининг қиймати. Мослашувчанлик. Инфляция. Бандлик ва ишсизлик. Ташаббускорлик ва боқимандалик.

Тижорат. Риск. Барқарорлик ва фойда олиш. Фойда ва капитал. Тадбиркорлик.

Қийин шароитларда яшай олиш ва уни енгиб чиқиш ҳамда янада ривожланиш хислатларини шакллантириш.

Иқтисодий педагогиканинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Иқтисодий педагогиканинг ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро алоқаси.

Иқтисодий педагогика, психология, педагогика ва иқтисодий фанларнинг ўзаро алоқаси.

Иқтисодий педагогиканинг иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси.

Иқтисодий таълим-тарбиянинг ривожланиш тарихи

Халқ педагогикасида иқтисодий ахлоқ, иқтисодий тарбия масалалари.

Халқ педагогикасида иқтисодий таълим-тарбия масалалари.

Зардуштийлик динида иқтисодий таълим-тарбия масалалари.

Ислом динида иқтисодий педагогика масалалари.

Иқтисодий таълим-тарбиянинг Марказий Осиё мутафаккирларининг, давлат арбобларининг асарларида ва фаолиятларида ифодаланиши

Иқтисодий ғояларнинг Юсуф Хос Ҳожиб, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Марказий Осиё мутафаккирлари каби асарларида ифодаланиши ва уларнинг фаолиятларида иқтисодий таълим-тарбия ғояларининг амалга оширилиши.

Шарқ халқлари алломалари ижодида таълим-тарбия масалаларига бағишланган махсус асарлар тенденциясининг ривожланиши. "Қобуснома".

Жадидлар ҳаракатида иқтисодий таълим-тарбия масалаларининг ифодаланиши

Жадидлар ҳаракатида иқтисодий таълим-тарбия масалаларининг умумий ифода этилиши.

Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлонийлар ижоди ва фаолиятида иқтисодий таълим-тарбия масалаларининг ифодаланиши.

Ислом Каримов асарларида иқтисодий таълим-тарбия масалалари

Ислом Каримов баркамол авлодни тарбиялашда иқтисодий билим ва кўникмаларининг ўрни ҳақида. Иқтисодий ислохотлар ва янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш масалалари.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ва иқтисодий билимлар ва хулқ-атвор шакллари. Мулкдорлар синфининг шаклланиши ва мулкдорлик туйғусини тарбиялаш.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини ошириш кўникмаларини қарор топтириш ва боқимандаликни тугатиш.

Ишлаб чиқаришда инсон ресурсларининг салоҳиятини ошириш.

Аҳолининг иқтисодий саводхонлигини ошириш.

Эркинлаштирилган бозор иқтисодиётига хос янгича иқтисодий хулқ-атворни шакллантириш ва қарор топтириш.

Иқтисодий таълим-тарбия жараёнларини ислоҳ қилишда Ислом Каримов асарларидаги ғоя ва концепцияларнинг аҳамияти

Тараққиётнинг "ўзбек модели" ва иқтисодий тарбия соҳасидаги ислохотлар.

"Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" асарида ишлаб чиқилган иқтисодий тамойиллар ва ислохот жараёнлари.

Ислом Каримов Ўзбекистондаги инсон ресурсларининг иқтисодий салоҳиятлари ва миллий хусусиятлари тўғрисида.

Иқтисодиётимиздаги устувор йўналишлар ва инсон ресурслари.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 й. 29 август) қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" да демократик ва иқтисодий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини кенг кўламда тубдан ислоҳ қилиш мақсадининг қўйилиши ва унинг моҳияти.

Янги тундаги ўқув муассасалари ва Академияларнинг очилиши.

Ўқитувчи ва тарбиячиларга замонавий билим бериш масалалари.

Олий, ўрта махсус, касб-хунар, ўрта мактаб тизимидаги ислохотларнинг босқичлари.

Таълимнинг янги моделини бош вазифаси-мустақил фикрловчи, эркин шахсни шакллантириш вазифасининг қўйилиши.

Иқтисодий хулқ-атворнинг психологик асослари

Аналитик усул ёки индивидуализм йўли. Бихевиоризм гипотезалари.

Иқтисодиётда фойдалиликнинг энг сўнгги чегарасининг очилиши. Маржинализм ривожланишида Альфред Маршалл, Мингер-Фридрих Визер, Евгений Бём-Баверкнинг қўшган ҳиссалари. А. Маршалл ғоялари-иқтисодий назариялар ғоялари денгизида йўл кўрсатувчи маёқ сифатида. *Фридрих Фон Визер иқтисодиётда субъектив-психологик назариянинг мослашувчан варианты сифатида эътироф этилиши.*

Иқтисодий хулқ-атвор ва иқтисодий кадриятлар

Кадриятларнинг аксиология ва иқтисодиёт соҳаларидаги талқинлари ўртасидаги тафовутлар.

Аксиологияда кадриятлар тушунчасининг моҳияти ва ишлаб чиқиши.

Иқтисодиётда кадр-қиммат тушунчаси.

Макроиқтисодиётда иқтисодий хулқ-атвор масалалари

Оқилона кутишнинг макроиқтисодий назарияси. Оқилона кутишга ахборотлар оқимининг таъсири.

Дж. Кейнснинг асосий психологик қонуни. *Истеъмол, жамғариш, инвестицияларнинг неоклассик талқини.*

Иқтисодий хулқ-атвор ва солиқлар

Солиқларнинг таркиби. Солиқ тўловчиларнинг хулқ-атвори. Солиқларга тортишнинг энг юқори ставкалари. Солиқлар ва истеъмол талаби. *Жамғариш ишланиши.*

Солиққа тортиш тизимидаги иқтисодий-психологик тадқиқотлар.

Солиқ ислохотларининг тадбиркорлар томонидан баҳоланиши (Дания мисолида).

Солиқ ислохотларининг чет эл тажрибаси.

Иқтисодий педагогикада этнопедагогик ва диний омиллар

Этнопедагогик омилларнинг иқтисодий таълим-тарбиядаги ўрни.

Макс Вебер таснифи бўйича инсон фаолиятининг типлари: биринчиси-мақсадга мувофиқ фаолият, мақсадга эришиш учун мавжуд воситалардан фойдаланишни тақозо қилиш; иккинчиси -оқилона фаолият, кадриятлар нуқтаи-назаридан оқилона фаолият; учинчиси-ҳиссий фаолият, ҳис-туйғулардан келиб чиқадиган фаолият тури; тўртинчиси-анъаналар ва одатларни такрорловчи фаолият типи.

Иқтисодий хулқ-атворда менталитетининг миллий характер ва анъаналарнинг ўрни.

Миллий характердаги этнопсихологик фарқлар.

Ўзбек миллатининг иқтисодий хулқ-атворидаги ўзига хосликлар.

Ўзбекларда оқилоналикнинг ҳиссий таъсирчанликдан устуворлиги. Буюк ипак йўлида савдо-сотикнинг ривожланганлиги. Ўрта Осиё Уйғониш даврида математика, астрономия, адабиёт, тиббиёт, фикҳ ва диний билимлар соҳасидаги улкан ютуқлар. Ўзбек хулқ-атворида илмий асарларга изох беришнинг ривожланганлиги.

Ўзбеклардаги меҳнатсеварлик, альтруизм, вазминлик, чидамлилиқ, сабр-тоқат.

Ўзини фарзандлар истиқболига тўла бағишлаш. Онгидаги инертлик, ташаббускор сустиги, анъанавийлик, дунёқараш миқёсидаги чекланганлик.

Иқтисодчи-педагогларнинг касбий ва ахлоқий хислатлари

"Устоз-шогирд" муносабатлари анъаналари. "Ўқитувчи-ўқувчи" ҳамкорлик тизими сифатида.

Иқтисодчи-педагог касбий маҳоратига қўйиладиган талаблар.

Ўз касбига ҳурмат. Предметни чуқур билиш. Педагогика ва психология фанларини чуқур эгаллаш. Ўқув-тарбиявий ишлар усулиқасининг замонавий усулларини ўзлаштириш. Фан, маданият, маънавият масалаларидан кенг билимларга эга бўлиш. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини чуқур эгаллаш.

Иқтисодчи-педагогларнинг ахлоқий фазилатлари.

Феъл-атворида, кийинишида, оилада, иш жойида, кишилар билан муомалада юксак савияда маданиятли бўлиш. Рўзғор юритиш, жамоат жойларида ўзини тутиш, нутқ маданиятида намуна бўлиш.

Иқтисодий таълим жараёнининг усулологик-назарий асослари

Миллий анъаналар ва қадриятларимизнинг таълим жараёнидаги усулологик аҳамияти.

Таълим жараёнида динамика ва синергетика, экзистенциализм ва герменевтика усуллари.

Ислом Каримовнинг таълим тизимини ислоҳ қилишдаги концептуал тамойиллари.

Дидактика-таълим назарияси сифатида. Дидактик тамойиллар.

Таълим жараёнининг ташкилий шакллари

Иқтисодий таълимнинг немисча-русча тизими. Иқтисодий таълимнинг инглизча-америкача тизими. Иқтисодий таълимнинг япон тизими.

Иқтисодий таълимнинг ўзбек тизими.

Иқтисодий таълимда маърузалар, семинарлар, амалий машғулотлар ва мустақил ишлар. Курс иши. Амалиёт. *Диплом ишлари.*

Таълим тизимининг ривожлантириш истиқболлари

Шахсни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш сифатида. Таълим жараёнининг асосий мақсади. Таълим мазмуни тизимидаги асосий тамойиллар. Таълим мазмунини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларига боғлаган ҳолда ривожлантириш тамойили.

Ёшларда ватанпарварлик руҳини тарбиялаш тамойили. Фанлараро мажмуавий алоқалар тамойили. Касбга йўналтириш. Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаш тамойили.

Эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти шароитларида таълим тизимини такомиллаштириш тамойиллари. Фан ва тажрибадаги энг янги муваффақиятларни акс эттириш, иккинчи даражали ва ортиқча материаллардан қутилиш, ўрганилаётган фанлар рўйхати ва материаллар ҳажмининг ўқувчилар ёшларни ўзлаштира олиши қулай бўлган ҳажмини белгилаш, ўқув фанларига оид асосий тушунчалар ва етакчи ғояларни жуда аниқ баён қилиш, педагогик ва ахборот технологияларини таълим тизимига жорий қилиш тамойиллари.

Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимининг таркиби. Таълим тизимида ўқув-дастурий хужжатлар.

Таълим тизимини инсонпарварлаштириш. "Педагогик ҳамкорлик"ка асосланган янги муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Иқтисодий таълимда талабалар билимини рейтинг усулида назорат қилиш шаклларини такомиллаштириш

Рейтинг назоратининг моҳияти.

Рейтинг назоратининг билимларни ташҳис қилиш функциялари: Билим олишга иштиёқни ўстириш, ўқувчиларнинг шахсий хислатларини ривожлантириш, тарбиявий ва баҳолаш функциялари.

Рейтинг тизимида тест шаклида назорат қилиш. Шахсий хусусиятлар, интеллектуал ва профессионал қобилиятларни ташҳис қилишга мўлжалланган тестлар. Эгалланган назарий билимлар, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш даражасини назорат қилиш тестлари. Тестларнинг гомогенлик даражаси. Тест шакллари.

Индивидуал назорат. Гуруҳдаги назорат.

Иқтисодий таълим муассасаларини бошқариш

Таълим муассасасининг асосий мақсади-эркинлаштирилган бозор иқтисодиёти шароитларида ишлай оладиган малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш.

Таълим муассасасини бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий асослари.

Таълим муассасасини бошқариш тамойиллари. Демократик тамойил. Сиёсий раҳбарлик, хўжаликни тадбиркорлик билан юритиш, илмийлик, кадрларни тўғри танлаш тамойиллари.

Бошқариш жараёни. Ғоя, истиқболларни белгилаш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, ишлаб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш, назорат қилиш.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ

Иқтисодиёт ва педагогика: тугаш нуқталарда янги соҳанинг вужудга келиши.*

Иқтисодий хулқ-атворни шакллантириш - таълим-тарбия мақсадларидан бири сифатида.*

Иқтисодиёт соҳасидаги таянч тушунчалар ва иқтисодий таълим-тарбия.*

Иқтисодий педагогика ва гуманитар-иқтисодий фанлар.*

Ўрта Осиё диний таълимотларида иқтисодий таълим-тарбия масалалари.*

IX-XII асрларда Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларида иқтисодий таълим-тарбия масалалари.*

XX аср бошларида Туркистонда иқтисодий таълим-тарбияга доир қарашлар.*

Мустақиллик йилларида иқтисодий таълим-тарбия муаммолари.*

Иқтисодий хулқ-атворнинг психологик негизлари.*

Иқтисодий кадриятлар.*

Макроиқтисодиётда иқтисодий хулқ-атвор.*

Солиқ тўловчилар хулқ-атвори.*
Этнопедагогик омиллар.*
"Устоз-шоғирд", "ўқитувчи-талаба" тизими.*
Усулология таълим жараёнининг асоси.*
Иқтисодий таълим тизимлари ва шакллари.*
Иқтисодий таълим тизимини такомиллаштириш.*
Таълимни назорат қилиш шакллари.*
Таълим муассасаларини бошқариш.*

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Кўргазма-намойиш материаллар рўйхати:

- "Иқтисодий педагогика" фанининг илм-фан ва амалиёт билан боғлиқлигини намоён қилувчи схематик плакатлар;
- "Иқтисодий педагогика" фанининг илмий тадқиқот усуллари акс эттирилган плакатлар;
- Таълим мазмунини ташкил қилувчи тамойилларни акс эттирувчи кўргазмали плакатлар.

Ўқув фильмлари рўйхати (интернетдан олинади).

Дидактик материаллар рўйхати.

Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар.

Амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Назорат турлари бўйича:

жорий баҳолаш учун:

- семинар машғулотлари саволларига ёзма жавоблар тайёрлаш;
- оғзаки баҳс-мунозараларда қатнашиш;
- тест вариантларига жавоблар бериш;
- рефератлар ёзиш.

оралиқ баҳолаш учун:

- маъруза дарсларига қатнашиш;
- маърузалар мазмунини ёзиб бориш;
- маъруза дарсларида савол-жавоблар билан фаол қатнашиш.

якуний баҳолаш учун:

кафедрада тасдиқланган фан варианты саволларига 1200 сўз миқдоридаги "ёзма иш" ни бажариш ёки тест саволлари, вариант саволларига оғзаки жавоб бериш.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Каримов И. А. Ҳаётимизнинг тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Халқ сўзи. 2002 йил 6 декабр.
13. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1997.
14. Бункина М и др. Экономика и психология. На перекрестке наук.-М.: Дело и сервис, 1998.
15. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.
16. Хўжаев Н ва бошқ. Иқтисодий педагогика.-Т.: ТДИУ, 2002.
17. Қодиров А. Маънавиятнинг иқтисодий тамойиллари. -Т.: Маънавият, 1999.

Қўшимча адабиётлар

1. Беспалько Б. Слагаемые педагогической технологии.-М.: Педагогика, 1999.

2. Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. –Париж, 1998.
3. Дайана Халперн. Психология критического мышления. Санкт-Петербург, 2000.
4. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Телигл. Проект: Чтение в письмо для развития критического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 1998.
5. Педагогика. (А.Мунавваровнинг умумий тахрири остида) - Т.: Ўқитувчи, 1996.
6. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс.-М.: 1999.
7. Равен Джон-младший. Педагогическое тестирование: проблемы, заблуждения, перспективы. Пер. с англ. - М.: 1999.
8. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии - М.: 1998.
9. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. Санкт Петербург, 1996.
10. Слостенин В.А., Л.С.Подмова, Педагогика: Инновационная деятельность. - М.: 1998.
11. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. –Т.: Меҳнат, 1997.
12. Ўлмасов А. Амалий иқтисодиёт.-Т.: 1997.